

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ СУГУРТА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ

Болтаев Мансуржон Сотиволдиевич

Тошкент давлат юридик университетининг  
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти,  
юридик фанлар доктори, доцент

### АННОТАЦИЯ

Мақолада тиббий сугуртанинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишида тутган ўрни ва роли муҳокама қилинган. Шунингдек, муаллиф сугурта шартномасининг фуқаролик ҳуқуқий мақомига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Тиббий сугурта шартномасини шаклантириши ва ривожлантиришининг ҳуқуқий ва назарий жиҳатлари ҳам муаллиф томонидан келтириб ўтилган ва соҳада бугунги кунга қадар амалга оширилган илмий ишланмаларга мурожсаат қилиши орқали асослантирилган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан тиббий сугурта шартномасини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришга оид асослантирилган таклифлар ҳам илгари сурилган.

**Калим сўзлар:** тиббий сугурта, сугурта шартномаси, сугурта, сугуртма хизмати, сугурта бозори, фуқаролик жавобгарлик, мажбурий сугурта.

### ABSTRACT

The role of medical insurance in protecting the rights and legal interests of citizens is discussed in the article. Also, the author specifically touched on the civil legal status of the insurance contract. The legal and theoretical aspects of the formation and development of the medical insurance contract are cited by the author and justified by referring to the scientific developments carried out in the field to date. In addition, the author has put forward reasonable suggestions for improving the legislation regulating the medical insurance contract.

**Key words:** medical insurance, insurance contract, insurance, insurance service, insurance market, civil liability, compulsory insurance.

### КИРИШ

Тиббий сугурта соғлиқни сақлаш тизимиға инвестицияларни олиб кириш ҳамда инсон саломатлигини сақлаш билан боғлиқ харажатларни таъминлашнинг муҳим йўналиши саналади. Тиббий сугуртани қўллаш орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатиш ва соғлиқ ёмонлашганда даволаниш ва муолажа харажатларини сугурта пули доирасида қопланиши амалга оширилади. Шу сабабли тиббий сугурта тизимини яратиш

ва амал қилиши мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иктисодий вазият ҳамда соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиш ҳолати, шунингдек суғурта бозори ва мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари шаклланганлиги билан боғлиқдир.

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суғурта хизматининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Суғурта нафақат мол-мулкка ва соғлиққа етказилган заарларни қоплаш ва шу орқали жабрланувчиларга моддий кўмак бериш воситаси балки, моддий жавобгар шахсларнинг мажбуриятларини бажаришга ёрдамлашувчи воситаси сифатида ҳам бозор муносабатлари шароитида кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқида инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик хавфини суғурталаш, соғлиқни тиклаш учун қилган харажатларини қоплашни суғурта қилиш кенг қўлланилмоқда. Бу ҳолатда ҳаёт ва соғлиқни ихтиёрий ва мажбурий суғурталаш амалиёти ривожланиб бормоқда.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ривожланишининг ижтимоий устувор йўналишлари фуқароларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизими, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва аҳоли турли қатламларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизими ривожлантириш ва унга тушадиган юкни камайтириш бўйича ислоҳ этилаётган етарли қонунчилик базаси яратилишини тақазо этади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши сабабли соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчининг суғурталаш мажбуриятини назарда тутади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётининг назарий концепциялари суғуртанинг хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳам, алоҳида жисмоний шахс – мамлакат фуқароларининг ҳам мулкий манфаатлари кафолатли ҳимоясининг асосий усуllibаридан бири бўлиши лозимлигидан келиб чиқади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки вафот этиши муносабати билан ходимга (наф олувчига) етказилган зарарни қоплаш бўйича иш берувчининг ҳаражатлари, айниқса жабрланган ходимнинг қарамоғида бўлган вояга етмаган болаларга ва бошқа шахсларга бир неча йиллар давомида ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш зарурлиги ҳисобга олинадиган бўлса, анча катта бўлиши мумкин. Бундай турдаги ҳаражатлар ҳар қандай иш берувчининг

молиявий ҳолатига, айниқса, агар унинг молиявий имкониятлари чекланган бўлса, сезиларли таъсир қилиши мумкин.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, суғурта шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланиб, суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлайди, суғурталовчи эса суғурта ҳодисаси рўй бериши билан суғурта пулинини тўлайди.

Икки томонлама шартнома бўлиб, иккала тараф ўз зиммаларига ҳам хуқук, ҳам мажбуриятларни оладилар. Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта бадалини талаб қилиб олиш хуқуқига эга бўлса, суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта қилдирувчи эса суғурта бадалини тўлаш мажбуриятини олса, суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурта товонини талаб қилиш хуқуқига эга бўлади[1]. Мазкур фикрдан ва қонунчиликда тиббий суғурта моҳиятига оид белгиланган умумий коидалар суғурталашдан келиб чиқиб, суғурта шартномасини шарти кечикирилган битим – деб ҳисоблаш мумкин.

ФКнинг 104-моддаси 1-қисмида белгиланишича, агар тарафлар ҳуқук ва бурчларнинг келиб чиқишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, битим кечикириш шарти билан тузилган ҳисобланади.

Тиббий суғурта шартномасида ҳам бир тарафнинг, яъни суғурта қилувчининг мажбурияти суғурта ҳодисаси рўй берса, бошқача айтганда, ФКнинг 104-моддаси 1-қисмида белгиланган “юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб” кўйилмокда. Агар бу ҳодиса юз бермаса мажбурият вужудга келмайди ва ҳуқуқий муносабат, яъни суғурта шартномаси белгиланган муддатдан сўнг бекор бўлади.

Агар шартнинг юз беришига, ушбу шартнинг юз беришидан манфаатдор бўлган тараф инсофсизлик билан ёрдамлашган бўлса, бу шарт содир бўлмаган ҳисобланади (ФК, 104-модда, 4-банд). Масалан, мол-мулкларини суғурта қилдирган шахс суғурта суммасини олиш мақсадида мол-мулкка қасдан ўт қўйиб ёндерса, бу ҳолда суғурта суммаси тўланмайди[2].

М.А.Аминжонова ҳам суғурта шартномасини шартли битимлар жумласига киришини таъкидлайди ва суғурта шартномаси – ёзма равишдаги битим бўлиб, унга кўра суғурта ташкилоти кўзда тутилган суғурта ҳодисаси (воқеаси) юз берганда суғурталанувчига ёки суғурта товонини олишга ҳақли бўлган бошқа шахсга белгиланган суғурта пулинини етказилган зарар миқдорида суғурта товони сифатида тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган

муддатда суғурта бадалларини тўлаш мажбуриятини олади[3], деган фикрни билдиради.

Н.Абдуллаеванинг фикрига кўра, суғурта шартномаси ёзма равишда тузилган битим бўлиб, унга биноан суғурта ташкилоти қўзда тутилган воқеа (суғурта ходисаси) юз берган тақдирда, суғурта қилдирувчига ёки унинг вакилига қўрсатилган ҳодиса оқибатида қўрилган зарарни қоплаш ёки суғурта пули тўлаш мажбуриятини олади, суғурта қилдирувчи эса белгиланган муддатларда суғурта тўловлари (суғурта мукофоти) ни тўлаш мажбуриятини олади[4].

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда тиббий суғурта шартномаси ўзининг обьекти қонун билан қатъий ва аниқ белгиланганлиги билан суғуртанинг бошқа турларидан ажralиб туришини айтиб ўтиш лозим. Масалан, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этиши ёки унинг майиб бўлиши ёки касбий касалликка чалиниши муносабати билан соғлигининг шикастланиши натижасидаги зарарни жабрланувчига (наф олувчига) қоплаш бўйича қонун хужжатларига мувофиқ, фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши билан боғлиқ бўлган иш берувчининг мулкий манфаатлари мажбурий тиббий суғурта обьекти ҳисобланади. Яъни, ходимнинг ҳаёти ва соғлигига зарар этиши ҳали бу мажбурий суғурта обьекти ҳисобланмайди. Бунинг учун биринчи навбатда иш берувчи фуқаролик-хуқуқий жавобгарликка тортилиши лозим. Агар ходимнинг ҳаёти ва соғлигига зарар иш вақтидан эмас бошқа вақтда етказилган бўлса, ёки ходим иш вақтида хизмат вазифаларини эмас, ўзининг шахсий ишлари билан шуғулланиши оқибатида зарар етган бўлса, бу ҳолатларда иш берувчининг жавобгарлиги вужудга келмайди ва мажбурий суғурта обьекти ҳам юзага келмайди.

Суғурта хизматларининг ривожланиб бориши ва Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва суғурта бозорини такомиллаштириш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилиши ҳамда ушбу ислоҳотларнинг хуқуқий асослари сифатида қўплаб янги қонун хужжатларининг қабул қилиниши суғурта муносабатларининг хуқуқий тартибга солишда янги йўналишларни вужудга келтирди. Авваламбор суғурта муносабатларини умумий жиҳатдан тартибга солишининг хуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (52-боб 46 та модда) ва 2002 йил 5 апрелда “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинган бўлса, кейинчалик алоҳида фаолият турларидаги хавф-хатарлар суғурталаш ва муайян маънода ижтимоий функцияни амалга ошириш мақсадида суғурта муносабатларини маҳсус хуқуқий тартибга солишининг хуқуқий асослари

яратилди. Бунда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-618-сонли қарори ҳамда мазкур қарорга кўра тасдиқланган “2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини илоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури”нинг[5] қабул қилиниши суғурта хизмати ва бозорини амалда тубдан ўзгартириш билан бирга уни ҳуқуқий тартибга солишда ҳам янги қонун ҳужжатлари қабул қилинишига олиб келди. Мазкур йўналишда дастлаб Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлса, кейинчалик 2009 йил 16 апрелда №ЎРҚ-210-сонли “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва суғурта хизматининг ўзига хос тури бўлган заарар етказишидан келиб чиқадиган фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни маҳсус тартибга солишининг янги ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Ўзбекистонда тиббий суғурта тизимини яратиш ва қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар XXI асрнинг бошларидан кузатила бошлади. Айнан шу даврда суғурта фаолиятини асосий йўналишлари ва жиҳатларни тартибга солувчи маҳсус қонунчилик яратила бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги янги таҳрирдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сонли «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилинди[6].

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан суғурта фаолиятининг турлари ҳамда уларнинг йўналишлари белгиланди, суғурта соҳалари ва синф (класс)лари аниқланди ҳамда амал қила бошлади. Ўзбекистонда суғурта иккита тармоққа бўлинади: 1. Ҳаётни суғурта қилиш тармоғи ( 4 та класс); 2. Умумий суғурта тармоғи (17 та класс).

Эътироф этиш лозимки, суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турларининг ўзаро нисбатларини мақбуллаштириш ушбу йўналишдаги фаолиятнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши шароитида суғурта бозорини шакллантириш даврида мажбурий суғуртанинг катта салмоққа эга бўлиши муқаррардир. Одатда, мажбурий суғурта фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини, шунингдек корхона, ташкилот ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий қилинади.

Давлат етказилган заарни қоплаш масаласи умумдавлат даражасида кўрилган ҳолларда мажбурий суғуртани жорий қиласи, яъни мажбурий суғурта тури жамият манфаатлари нуқтаи назарида устувор бўлган суғурта обьектларини қамраб олади. Бозор муносабатларининг амал қилиш шароитида иш берувчи тўловга қодир эмаслиги, ночорлиги, банкрот бўлиши ёки тугатилиши натижасида доимо ҳам ходим олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ ва вақтида бажара олмайди[7]. Бундан ташқари, технологик ривожланишнинг замонавий ҳолати, ишлаб чиқаришда илғор технологияларнинг қўлланилиши ходимнинг иш фаолияти билан боғлиқ хавфли ҳолатларнинг кўпайиши билан боғлиқдир.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ходимнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш учун иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлигини суғурта ташкилотларига ўтказиш механизми қўлланилади, яъни иш берувчининг ходимнинг соғлига шикаст етказилганда қилиш лозим бўлган харажатларни суғурталаш амалга оширилади. Тиббий мажбурий суғурталашнинг жорий этилиши, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки вафот этиши муносабати билан ходимнинг ва унинг қарамоғидаги шахсларнинг етказилган заарни ундириш бўйича ҳуқуқининг поймол этилишини камайтиради. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки вафот этиши муносабати билан ходимга (наф оловчига) етказилган заарни қоплаш бўйича иш берувчининг харажатлари, айниқса жабрланган ходимнинг қарамоғида бўлган вояга етмаган болаларга ва бошқа шахсларга бир неча йиллар давомида ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш зарурлиги ҳисобга олинадиган бўлса, анча катта бўлиши мумкин. Бундай турдаги харажатлар ҳар қандай иш берувчининг молиявий ҳолатига, айниқса, агар унинг молиявий имкониятлари чекланган бўлса, сезиларли таъсир қилиши мумкин.

ФКнинг 918-моддасида ҳам ўз ифодасини топган ва мазкур норманинг 1-қисмида “бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин” лиги белгиланган. Бу эса ФКга тиббий суғурта тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан қандайдир қўшимча ва ўзгартиш киритиш зарур эканлигини кўрсатмайди, аксинча амалдаги ФК келажакда зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тўғрисида маҳсус қонунлар қабул қилинишини олдиндан қўра олганлигини ва

келажақда шундай махсус қонунлар қабул қилиниши әхтимолини белгилаб қўйганлигини кўриш мумкин.

Замонавий фанда суғурта шартномасининг ҳуқуқий табиатини тавсифловчи бир қатор нуқтаи назарлар мавжуд. М.Суворованинг фикрича, мажбурий суғурта хусусий ҳуқуқ соҳасига оид хисобланади ва бундан хуласа қилиш мумкинки, бирор-бир ҳуқуқий институт хусусий ҳуқуққа оид бўлар экан у бир вақтнинг ўзида оммавий-ҳуқуқ соҳасига таллуқли бўла олмайди. Мажбурийлик тамойили суғурта бўйича хусусий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш характерига таъсир қилмайди ва уларнинг мазмунини ўзгартирмайди. Мажбурий суғуртанинг мақсади – аниқ сиёсий ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, хусусий манфаатларни ҳимоя қилишдир[8].

Албатта бу ўринда муаллифнинг мажбурий суғуртанинг асосий мақсадларидан бири хусусий манфаатларни ҳимоя қилишдир деган фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин.

Б.Пугинскийнинг таъкидлашига кўра, қонун чиқарувчи суғурта шартномасини фуқаролик ҳуқуқи соҳасига киритишга ҳаракат қилмоқда, айниқса бу шартнома хўжалик муомаласида хусусий манфаатларни ҳимоялашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаси бўлганда бу ҳолат яққол кўзга ташланади[9]. Ю.Фогельсон эса шартномани тузиш тарафларнинг иккаласи учун ҳам мажбурий бўлса ҳамда шартнома шартлари қонун ҳужжатларида асосида белгиланса ҳам ҳақ тўлаш мажбурияти суғурта шартномаси тузилганидан сўнг вужудга келади. Ушбу мажбуриятнинг мазмуни тарафларнинг хоҳиш-иродалари асосида аниқланиши мумкин, агар бундай аниқлаш намунавий қоидаларга зид бўлмаса[10].

Бинобарин, О.Оқюлов ва Н.Эгамбердиевалар эътироф этишганидек, мажбурий суғурта шартномаси бошқа шартномалардан суғурта пули, бадали махсус қонунларга асосан тузилиши ва бадал миқдори ҳам қатъий белгиланган бўлиб, уни фақат суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши билан фарқ қиласди. Ҳозирда бу турдаги шартнома, асосан фуқароларнинг учинчи шахс олдидаги жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, кредит юзасидан гаровга қўйилаётган мулкни мажбурий суғурталаш, гаров мулкини кредитни қоплаш юзасидан етмаган қисмини суғурталаш қўлланилмоқда. Мажбурий суғурта шартномасининг шартлари қонун билан белгилаб қўйилган бўлиб, уларни ихтиёрий равишда ўзгартириш мумкин эмас[11].

Дарҳақиқат, шартноманинг мажбурий тузилиш фактининг ўзиёқ уни оммавий-ҳуқуқийлигини эътироф этиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга фуқаролик қонунчилиги шартномаларни мажбурий тартибда

тузишни назарда тутади (ФКнинг 377-моддаси), бироқ мазкур ҳолат бу турдаги шартномаларни фуқаролик-хуқуқий ҳолатини инкор этмайди. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, мажбурий суғурта бўйича муносабатларга бошқа хусусий-хуқуқий шартномавий конструкцияларга татбиқ этиладиган тамойилларни қўллаш мумкинлигини эътироф этиш лозим.

Бундай тамойиллардан энг муҳими фикримизча, тенглик (эквивалентлик), ҳалоллик, шартномалар эркинлиги тамойиллари ҳисобланади.

Эквивалентлик тамойили суғурталанаётган манфаатга етказилган заарлар учун тўланадиган суғурта пули ва суғурта мукофоти ўртасидаги иқтисодий тенглик бўлиб, бунда белгиланган суғурта тарифлари вақтида манфаатга путур етказилиши оқибатида кўрилган заарларнинг қопланиш миқдори ва унинг учун суғута қилдирувчи тўлаган суғурта мукофоти ўзаро уйғунлик касб этиши лозим[12]. Масалан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф оловчига ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган заарнинг ўрнини иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади (“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси 2-қисми).

Иккинчи тамойил шартномалар эркинлиги тамойил мажбурий суғурта муносабатларида нисбатан чекланган характерга эга бўлади. Бироқ бу тамойил иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида тўлиқ инкор этилади дегани эмас, албатта. Бинобарин, ФКнинг 354-моддаси 2-қисмига биноан, шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи ушбу Кодексда, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Х.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, шартнома тузиш эркинлиги тўғрисидаги умумий қоидадан истисно сифатида ФКда ва бошқа қонун хужжатларида мажбурий шартнома тузиш асослари ҳам назарда тутилади. ФК 358-моддасига мувофиқ тижорат ташкилоти шартнома тузишдан бош тортиш хуқуқига эга эмас[13].

А.А.Мухаммадиев шартномалар эркинлиги тамойили ва унга нисбатан чеклашлар хусусида фикр юритар экан, қуйидагилар билдириб ўтади: умуман олганда, шартномалар эркинлиги тамойили ҳам фуқаролик хуқуқининг бошқа

тамойиллари каби иқтисодий муносабатлар субъектларининг ташаббускорлиги ва эркинлигини кафолатлашга хизмат қиласди. Ҳозирги кунда шартномалар эркинлиги тамойилини чекловчи қонун ҳужжатлари ва улардаги нормаларни қисқартириш ва шартномалар эркинлиги тамойилига янада кенгроқ йўл очиб бериш зарурияти юзага келганлигини таъкидлаб, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш зарур, деган холосага келиш мумкин[14].

Қолаверса, юридик адабиётларда суғурта шартномаси ўзаро ишончга асосланган ва ҳаллоллик юқори даражада талаб этиладиган шартномалар туркумiga кириши асослаб берилган[15].

Ҳалоллик тамойили (*uberrima fides*) одатда судлар томонидан қўлланиладиган ва тарафларнинг ҳаракатига нисбатан суд томонидан бериладиган баҳо сифатида кўрилади. Хорижий давлатлар ҳукуқни қўллаш амалиётида, масалан, Буюкбританияда бу суғурта шартномаси *uberrima fides* (ишончнинг юқори даражаси билан) шартнома ҳисобланади[16]. Мазкур тамойил ушбу давлат суд амалиётида XIX асрда қўлланила бошлаган бироқ тўлиқ 1906 йилги Денгиз суғуртаси тўғрисидаги Қонунда шакллантирилган бўлиб, унга кўра, суғурталовчи шартнома тузишдан олдин суғурта қилдирувчига ўзига маълум бўлган барча муҳим ҳолатларни билдириши лозим ҳамда суғурталовчи ҳам суғурта қилдирувчига оид бўлган барча маълумотларга эга бўлиши шарт (18-моддаси)[17].

Ҳалоллик тамойили мураккаб ахлоқий-ҳуқуқий ҳодиса тариқасида бир қатор кўринишларда: шахснинг жамиятдаги ҳақиқий ўрнини белгиловчи сезим тариқасида аниқланади; ғоя тариқасида маълум бўлади; кўпинча умум-ҳуқуқий тамойил сифатидаги баҳо берувчи тушунча тариқасида қаралади.

Ҳуқуқнинг умумий тамойили сифатида ҳалоллик тамойили тенглаштириб ҳамда тақсимлаб турадиган хусусиятларга эга. Ҳалоллик тамойили тарафлар ўртасида келишувни тақозо қиласди, чунки бир томондан фуқаро-ларнинг қонун олдида ва ҳуқуқни қўлловчи органлар олдида тенглигини талаб қиласди, иккинчи томондан ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳаракатлари, қилмишларига мос ҳуқуқий талабларни ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида қўллашни талаб этади.

Мамлакатимизда қонунчилигида бу тамойил ФКнинг 931-моддасида белгиланган. Унга биноан, суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак заар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Айрим муаллифларнинг қайд этишича, суғурта қилдирувчининг суғурта хавфи ортганлиги ҳақида суғурталовчи хабардор қилиш мажбуриятининг бажарилишига судлар кўп эътибор бермаслигини қайд этишади.

Фикримизча, ҳозирда Ўзбекистонда “Мажбурий тиббий суғурта тўғриси”даги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати мавжуд. Мазкур қонунда мажбурий тиббий суғурта обьектлари, субъектлари, суғурта ташкилотлари ва тиббий муассаса ўртасидаги муносабатлар, тиббий суғурта шартномасининг муҳим шартлари, тиббий суғурта дастурлари ва уларнинг амал қилишига оид қоидалар назарда тутилиши лозим.

## REFERENCES

1. Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм.-Тошкент: Илм-Зиё, 2008. -Б. 525-526.
2. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2009. -250 б.
3. Аминжонова М.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан.номз.дис....Автореф.-Тошкент: 2004.-Б.7, 14.
4. Абдуллаева Н.Н. Суғурта ҳуқуқи.-Тошкент: ЖИДУ, 2006. -27 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплапми . 2007. 15-сон, 158- модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2002. 2-сон, 16- модда.
7. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части второй (постатейный)/ Отв.ред. О.Н.Садиков.-М.:1996.-700 с.; Исмоилов Ш.А. Ходимнинг етказган зарари учун иш берувчи жавобгарлигининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз.дисс.-Тошкент: 2008.-116 б.
8. Суворова М.Д. О частноправовом характере института страхования // Правоведение, 1977.-№4.-С.135.
9. Пугинский Б.И. Основные проблемы теории гражданско-правовых отношениях. Дис....докт.юрид.наук.-М.: 1985.-87 с.
10. Фогельсон Ю.Б. Договор страхования в российском гражданском праве. Дис....докт.юрид.наук.-М.:2005.-43 с.
11. Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм.-Тошкент: Илм-Зиё, 2008.-559 б.
12. Кабанцева Н.Г. Страховое дело: Учебное пособие.-М.: Форум, 2008.-4 с.
13. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. -Т.:ТДЮИ.2003.-33 б.
14. Мухаммадиев А.А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари.-Тошкент: ТДЮИ. 2010.- 177 б.

15. Жук А.В. Проблемы страхования деликтной ответственности: Автореф. дис....канд. юрид. наук. –Санкт-Петербург: 2001. -19 с.; Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиши соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-хуқуқий тартибга солиш муаммолари.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-89 б.; Топилдиев Б. Мол-мулкни ишончли бошқаришни фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш.-Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ, 2009.-8 б.; Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России.-М.:2001.-433 с.; Кокотов А.Н. Доверие. Недоверие. Право.-М.: Юрист, 2004.-235 б.
16. Malcolm A. Clarke, The Law of insurance Contracts, LLP Professional Publishing, Essex, 2002.
17. Ахмедов А. Добрая совесть превыше всего // ЭЖ-Юрист, 2008.-№45; Ахмедов А. Аспекты применения принципа *uberrima fides* в страховом договоре // Юрист, 2008.-№4.